**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бағдод туман бўлими**
**II-гуруҳ истеъмолчиларига ичимлик ва оқова**
**суви хизматларини кўрсатиш бўйича**
**ШАРТНОМА**

2022 й. “26” январь 1-сон Бағдод тумани

Ушбу шартномани **“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**, Бағдод туман бўлимии кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилувчи, низом асосида фаолият юритувчи Усмонов Зафаржон Абдурахмонович шахсида бир томондан, ҳамда кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи Бағдод тумани 1-ИДУМ, низом асосида иш олиб борувчи Д. Мамасолиева, иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1.** 2022 йил учун сув етказиш ҳажми ушбу шартномага мувофиқ II гуруҳ истеъмолчиси (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) учун сув етказиб бериш 1545 нарх бўйича - 679 -м$^3$ни:

1м$^3$ ичимлик сув учун 1545 сўм (+ҚҚС 15%), + ___ сўм (махсус устама хақ)ни;

1 м$^3$ оқова сув учун _______ сўм (+ҚҚС 15%), + ____ сўм (махсус устама хақ)ни ташкил қилмоқда.

Шу тариқа шартноманинг умумий қиймати 1049055 сўмни ташкил қилди (сумма ёзув билан). Шу жумладан, бюджет маблағларидан Бир миллион қирқ тўққиз минг эллик беш сўм сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан _____ сўм тўланиши кўзда тутилган.

Истеъмолчига етказилган сув ва қабул қилинган оқова сувлар учун ҳисоб-китоблар Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотларидан ташқари) аванс тўловлари тартибида, белгиланган муддатда тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш шарти билан ёки Таъминотчи томонидан ҳисоб варақаси (счёт-фактура)лар тақдим этиш орқали, шунингдек, бюджет ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмалари орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилишга ўтказилган маблағлар билан Таъминотчи тақдим этадиган счёт-фактуралар бўйича амалга оширилади.

**1.2.** Таъминотчи Истеъмолчини сифатли (O‘zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) ичимлик суви билан таъминлаш ва Истеъмолчидан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**1.3.** Истеъмолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар ҳисобида етарли миқдорда олдиндан тўлови мавжуд бўлмаса, хар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тариқасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**1.4.** Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади) риоя этиши, шунингдек, Истеъмолчи, Таъминотчи томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланадиган махсус устама ҳақини 1м$^3$ ичимлик сув учун _____ сўм, 1м$^3$ оқова сув хизмати учун ____ сўм тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.